

O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Samarqand tumani  
**HOKIMI**  
**QARORI**



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
ХОКИМА  
Самаркандского района  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

№ 18-феврал

№ 228-к

Samarqand й-р Самарканд

Самарқанд тумани "Кўштамғали" кишлек фуқаролар йигини "Конигил агротехсервис" юртфирмаси худудидан "Ummon quruvchi invest" масъулияти чекланган жамиятига маъмурий бино ва ёрдамчи хоналар, омборхона ва пардозлаш қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратиш ҳакида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 26 февралдаги "Шаҳарсозлик фаoliyatiни амалга ошириш ҳамда кишлек хўжалигига оид бўлмаган бошса ўтижлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 20 августандаги 357 сонли "Тадбиркорлик фаoliyatiни ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарориларни ижросини таъминлаш максадида, туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йигилишининг 2015 йил 13 февралдаги 59 ракамли баёни, "Кишлекқурилишлойиҳа" масъулияти чекланган жамияти бош лойиха қидирув институтининг 2015 йил 3 февралдаги 2-15/21-53-сонли холосаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2014 йил 29 декабрдаги 1716-сонли холосаси ва "Ummon quruvchi invest" масъулияти чекланган жамиятини туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йигилишининг 2015 йил 13 февралдаги 59 ракамли баёни ҳамда ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд туман "Ummon quruvchi invest" масъулияти чекланган жамиятiga маъмурий бино ва ёрдамчи хоналар, омборхона ва пардозлаш қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун Самарқанд туман "Кўштамғали" кишлек фуқаролар йигини худудидаги "Конигил агротехсервис" ер ҳаритасининг 10 контуридан жами 0,80 га (шундан: 0,80 га кишлек хўжалигига фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Маъмурий бино ва ёрдамчи хоналар, омборхона ва пардозлаш қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиха смета хисжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси "Ummon quruvchi invest" масъулияти чекланган жамияти директори А. Рафиев зиммасига юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О. Исмоилов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (У. Очилов)га топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринbosари К. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров